## КАСАБА СОЮЗЛАРИ ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШДА

Ядро уруши хавфига, қуролланиш пойгасига ва унинг жуда оғир социал-иқтисодий оқибатларига қарши курашда ҳаракат бирлигига эришиш — халқаро касаба союз ҳаракати олдида турган энг асосий вазифалардан биридир. Жаҳон касаба союзлари федерацияси раҳбарларининг 31 октябрь куни Москвада бўлиб ўтган матбуот конференциясида шу фикр таъкидланди.

Жаҳон касаба союзлари федерациясининг раиси Ш. Гашпар совет ва чет эл мухбирлари ҳузурида сўзга чиқиб, делегация Жаҳон касаба союзлари XI конгрессининг мактубини М. С. Горбачевга топшириш учун Москвага келганини маълум қилди. Худди шундай мактубларни АҚШ Президентига ва БМТ Бош секретарига ҳам топшириш назарда тутилади.

Жаҳон касаба союзлари федерациясининг раҳбарлари номидан Ш. Гашпар Жаҳон касаба союзлари федерацияси делегациясидан конгресс мактубини биринчи бўлиб КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қабул қилганлигидан чуқур мамнуният изҳор этди.

М. С. Горбачев билан самимий ва ўртоқларча вазиятда бўлиб ўтган суҳбатда биз Совет Иттифоқи раҳбарларининг касаба союз ҳаракатига, унинг тинчлик ва меҳнаткашлар ҳуқуқлари йўлидаги курашда ўйнаётган ролига катта аҳамият бераётганликларини тушуниб олдик, деди у.

Матбуот конференциясида Жаҳон касаба союзлари федерациясининг Бош секретари И. Закария, делегациянинг бошқа аъзолари ҳам қатнашдилар.

Журналистларнинг саволларига жавоблар қайтарилди.

(ТАСС).

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ М. С. ГОРБАЧЕВга ЖАҲОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ XI КОНГРЕССИНИНГ МАКТУБИ

Жаҳон касаба союзларининг XI конгресси ГДР пойтахти — Берлинда 1986 йил 16 сентябрдан 22 сентябргача — тарихимизнинг ҳал қилувчи ва ҳаддан ташқари хатарли пайтида бўлиб ўтди. Масала дунёдаги воқеаларнинг қай йўлдан ривожланишига боғлиқ — ё инсон ақл-заковати устун келиб, меҳнаткашларнинг манфаатлари йўлида реализм ғалаба қилади ёки дунё ядро фалокати ва инсоният ҳалокати сари тойиб кетади. Қуролланиш пойгасига жуда катта моддий ва интеллектуал ресурслар сарф қилинаётганлигига ҳам тоқат қилиб бўлмайди. Ҳарбий мақсадларга ҳар йили тахминан триллион доллар сарф қилинаётганлиги, бу эса планетамиздаги аҳолининг ярмидан кўпроғи яшаб турган мамлакатларнинг жами даромадидан ошиб кетаётганлиги даҳшатли бир ҳолдир.

Конгресс шунга аминдирки, жаҳон экономикасини мувозанатли ва ҳар тарафлама ривожлантириш йўлида ҳозир қуролланиш пойгаси, айниқса, ядровий қуролланиш пойгаси асосий ғов бўлиб турибди, қуролланиш пойгаси эса планетамиздаги хавфсизликка ва Ер юзидаги ҳаётнинг ўзига бевосита таҳлика солмоқда. Башарти, инсоният қуролланиш пойгасини тўхтатиб қолишга муваффақ бўла олмаса, бу пойга инсониятни йўқ қилиб юборади, деб ҳақли равишда таъкидланмоқда.

Мутахассисларнинг тадқиқотларига қараганда, қуролланиш пойгасини тўхтатиш оммавий ишсизликни тугатишга ёрдам беради. Ишсизлик даҳшатли тарзда кучайиб бораётган ва одамлар иш билан тўла таъминланмаган, бунинг оқибатида кўпгина мамлакатлар азият чекаётган бир пайтда мана шундай имкониятни эътиборга олиш зарур.

Жаҳон касаба союз ҳаракати қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва уни орқага буриб юбориш тўғрисида халқаро битимлар тузилишини изчиллик билан талаб қилиб келмоқда. БМТ Бош ассамблеясининг 1982 йилги иккинчи махсус сессиясида қурол-яроғлар учун харажатларни 10 процент қисқартириш тўғрисида битим тузиш конкрет равишда таклиф қилинган эди. Ўша пайтда бу таклиф қабул қилинганида капитал маблағларни оқилона ишлатиш учун анчагина маблағ олинган бўлур эди ҳамда ривожланаётган мамлакатларга ва ҳозир инсонларча яшаш воситаларидан маҳрум этилган миллион-миллион кишиларга ёрдамни кўпайтириш йўли билан халқаро иқтисодий ҳамкорликни давом эттириш мумкин бўлур эди.

Жаҳон касаба союзларининг XI конгресси қуролланиш пойгасини бундан буён ҳар қандай кучайтиришга ўзининг қатъий норозилигини изҳор этади ва космос, БМТга аъзо бўлган жуда кўпчилик давлатлар талаб қилаётганидек, ядро қуролидан холи бўлишини талаб қилади. Дунёда хавфсизликни сақлаш учун «самовий урушлар» стратегияси эмас, балки иш жойларини вужудга келтириш стратегияси, бутун дунёдаги тинчликсевар кучлар талаб қилаётганидек, қашшоқликка қарши кураш стратегияси, барча мамлакатлар ва халқлар ўртасида дўстлик ҳамда ҳамкорликка асосланган ялпи халқаро хавфсизлик стратегияси керак.

Жаҳон касаба союзларининг XI конгресси айрим мамлакатларни ёки мамлакатлар группаларининг қуролсизланиш программасига ҳисса қўшадиган барча таклифларини қўллаб-қувватлайди. Шу сабабли конгресс Совет Иттифоқининг ядро қуроли синовларини тўхтатиб туриш тўғрисида эълон қилган мораторийсини табриклайди ҳамда АҚШни ва бошқа ядродор давлатларни шу намунага эргашишга чақиради. Совет Иттифоқининг 2000 йилгача ядро қуролини йўқ қилиб ташлаш тўғрисидаги таклифлари меҳнаткашларнинг ва халқларнинг истакларига мос бўлиб тушади. Конгресс қуролланиш пойгасини тўхтатишга ва қуролсизланишга қаратилган шу ташаббусларни, шунингдек, қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг 1986 йил сентябрь ойи бошларида Ҳарареда ўтказилган VIII конференцияси ўртага қўйган, «Деҳли олтилиги мамлакатларининг» «Мексика декларацияси»да баён этилган таклифларни ҳамда турли сиёсий кучлар ва оммавий ташкилотларнинг қуролсизланишга оид бошқа ташаббусларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди.

147 мамлакатнинг 432 касаба союз ташкилотидан вакиллар қатнашган конгресс барча қитъалардаги 296 миллион уюшган меҳнаткаш номидан шундай деб ҳисоблайди: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг барча аъзолари, биринчи галда Америка Қўшма Штатлари билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи қуролланиш пойгасини ва барча ядро синовларини тўхтатиш ҳақида, ядро қуролини ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларини тугатиш тўғрисида, қуролсизланишга оид тадбирлар натижасида бўшаб қоладиган маблағларни социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш мақсадлари учун қайта тақсимлаш ҳақида халқаро битимлар тузиш чораларини зудлик билан кўришлари лозим. Барча мамлакатларда ҳарбий корхоналарни тинч маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказиш чоралари кўрилиши керак.

Конгресс тинчлик ва қуролсизланиш стратегияси ҳозир бутун инсоният учун яхшироқ ҳаётни таъминлаш борасидаги халқаро тараққиёт стратегиясининг ҳал қилувчи таркибий қисми бўлиб қолишига ўзининг ишончи комил эканини яна бир карра билдиради.

Жаҳон касаба союзларининг XI конгресси Сизни мана шу ўткир халқаро проблемаларга эътибор беришга ҳамда қуролланиш пойгасининг маъқул эмаслигини ҳамма поғоналарда ошкора намойиш этган бутун дунёдаги меҳнат аҳлининг умидлари ва эзгу орзуларини инобатга олишга чақиради.

## МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАЛАРИ

Янги жамият қуришдаги, одамларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги муваффақиятларимиз идеология ишларида, партия режаларини ва халқ эришган зафарларни пропаганда қилишда маданият ва санъатнинг актив ролига кўп жиҳатдан боғлиқдир. 31 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган маданият ходимлари республика активларининг йиғилишида шу ҳақда гап борди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми қарорлари асосида ишларни янада такомиллаштириш вазифалари ва чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ССР маданият министри М. А. Аҳмедова, йиғилишда сўзга чиққан бошқа кишилар бугунги кунда республикада 31 та театр, 4360 та клуб муассасаси, 7600 та кутубхона, 36 та музей, 97 та парк ишлаб турганлигини айтдилар. Бироқ маданиятнинг мана шу имкониятидан ҳозирча зарур даражада самарали фойдаланилмаяпти, ишнинг янги форма ва методларини жорий этишнинг мамлакатда тўпланган ижобий тажрибаси суст қўлланилмоқда.

Йиғилиш қатнашчилари кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масалаларига катта аҳамият бердилар. Барча бўғинларда мутахассисларнинг сифат составини яхшилаш зарурлиги таъкидланди. Маданият органлари одамларнинг маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришга, маданият коллективларида кенг ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқидни, ижодий ишларда конкурс бўлишини турмуш нормасига айлантиришга қатъият билан эришишлари лозим.

Актив йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. У. Султонова қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1 ноябрь куни бўлиб ўтган мажлисида шаҳарларда ва аҳоли пунктларида жамоат тартибини таъминлаш юзасидан республика Ички ишлар министрлиги олиб бораётган ишлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бу борада кўпгина ишлар қилинганлиги айтиб ўтилди. Кейинги вақтларда ҳуқуқ бузишларга қарши курашда куч ва воситалардан комплекс фойдаланиш системаси ички ишлар органлари практикасига жорий этилмоқда, ҳуқуқ бузишларнинг олдини олишга жамоатчилик кенгроқ жалб этиладиган бўлиб қолди. Бир қанча шаҳар ва посёлкаларда оғир жиноятлар камайди.

Шу билан бирга мажлисда ички ишлар органларининг ишида жиддий камчиликлар ҳамон содир бўлаётганлиги айтиб ўтилди. Бу камчиликлар министрлик ва унинг коллегияси, шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ички ишлар органлари фаолиятига суст раҳбарлик қилаётганлиги оқибатида келиб чиқмоқда.

Президиум республика Ички ишлар министрлиги эътиборини жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан кўрилаётган тадбирларнинг етарли эмаслигига, милиция органларининг меҳнат коллективлари билан суст ҳамжиҳатлик қилаётганликларига жалб этди ва ҳар бир шаҳар ва районда жамоат тартибини сақлашни кучайтириш, тартиб бузилишига олиб келаётган сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан конкрет чора-тадбирларни икки ой муддат ичида ишлаб чиқишни таъминлашни талаб қилди. Кадрларни танлаш ва уларни ўқитиш системасини такомиллаштириш, уларни юксак масъулият ҳиссини сезиш, салбий ҳодисаларга ишдаги расмиятчиликка нисбатан муросасиз бўлиш руҳида тарбиялаш зарурлиги уқтириб ўтилди. Халқ депутатлари маҳаллий Советларига, уларнинг ижроия комитетларига ҳуқуқ бузишларга қарши кураш масалаларини чуқурроқ ўрганиш, меҳнат ва ўқув коллективларида, аҳоли истиқомат жойларида ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш ва тарбиявий ишларни кучайтириш вазифаси топширилди. Бунда намунали жамоат тартиби серунум меҳнат ва осойишта турмуш учун зарур шароит яратишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири эканлигини назарда тутиш зарур.

КПСС XXVII съездининг фан-техника тараққиётини жадаллаштириш тўғрисидаги талаблари асосида олий ўқув юртларининг илмий потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш соҳасида Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги олиб бораётган ишлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Илмий-тадқиқотларни ташкил этишда жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётганлиги натижасида энг муҳим устун йўналишларига оид ечимларнинг салмоғи ортмаётганлиги, бир қанча олий ўқув юртларида эса анча камайиб кетганлиги айтиб ўтилди. Олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари мавжуд технологияларни такомиллаштиришга, янги серунум техникани, илғор материаллар ва конструкцияларни яратишга сезиларли таъсир кўрсатмаяпти, ихтиролар даражасидаги ечимлар ғоятда кам. Министрлик илмий коллективларнинг имкониятларини ҳисобга олмаяпти, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг энг муҳим проблемаларини ҳал этишга куч ва воситаларни жамлашни таъминламаяпти, ўтказилаётган тадқиқотлар кўпинча тармоқ ва академия институтлари ишини такрорлаётганлигига тоқат қилиб келмоқда.

Президиум Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги зиммасига илмий-тадқиқот ишларини планлаштиришни ташкил этишни такомиллаштириш юзасидан конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш, халқ хўжалиги эҳтиёжларидан келиб чиқиб тадқиқотлар тематикаси тузишни таъминлаш, олий ўқув юртлари ва уларнинг бўлинмалари раҳбарларининг ечимлар актуаллиги ва техникавий даражаси учун масъулиятини кучайтириш вазифасини топширди. Тадқиқотлар, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, олий ўқув юртларининг ишлаб чиқариш билан алоқаларини ривожлантириш зарур, деб топилди. Республика Министрлар Советига, Госпланига ва Госснабига тегишли топшириқлар берилди.

Халқ депутатлари Термиз шаҳар Советининг территориал ва тармоқ бошқариш принципларини қўшиб олиб бориш асосида шаҳарнинг ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги иш тажрибаси кўриб чиқилди. Шу мақсадда шаҳар ижроия комитети территориал-тармоқлараро бирлашма тузди. Маҳаллий корхоналар ва республикага бўйсунадиган корхоналардан қирқтаси бирлашма составига кирди. Корхоналарнинг раҳбарлари компетенцияси доирасидан чиқувчи масалалар бирлашма кучлари билан ҳал этилмоқда, энергетика ресурслари, хом ашё ва материаллар, транспорт хизмати билан таъминлашдаги, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишдаги кўзда тутилмаган узилишларни тугатиш борасида чоралар кўрилмоқда. Тармоқлараро корхоналар ташкил қилиш ва тармоқлараро алоқаларни кенгайтириш борасида бир мақсадни кўзлаб ишлар олиб борилмоқда.

Президиум область, район, шаҳар Советлари ижроия комитетлари зиммасига республика ва мамлакатда орттирилган тажрибадан фойдаланиб, маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда идораларга қарашли территорияларда халқ хўжалиги комплексини жадал ривожлантиришни таъминлаш юзасидан территориал-тармоқлараро бирлашмалар ва шу каби формаларни ташкил қилиш масаласини кўриб чиқиш вазифасини юклади.

Мажлисда республика давлат ҳаётининг бошқа масалалари кўриб чиқилди ва шулар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## ТРАНСПОРТ АНИҚ МАРОМДА ИШЛАСИН

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа доимий комиссиясининг 1 ноябрь куни бўлиб ўтган мажлисида Андижон область аҳолисига транспорт хизматининг ҳолати кўриб чиқилди. Депутатлардан Б. Т. Турик, Б. М. Маҳмудов, И. А. Шигильчева, М. Ҳамроев, А. Г. Кузькин, Э. Ғ. Ғофуржонов сўзга чиқдилар.

Кейинги йилларда областда автобуслар кўпайганлиги, янги маршрутлар очилганлиги, пассажир ташиш ҳажми ошганлиги уқтириб ўтилди. Корхоналар икки ва уч сменали иш режимига ўтиши муносабати билан шаҳар транспортининг иши қайта қурилмоқда.

Бироқ ҳали шаҳар ва шаҳарлараро транспорт бир маромда ишламаяпти, йил бошидан бери икки юз мингдан кўпроқ рейс барбод бўлди. Шу сабабга кўра, саноат корхоналарида анчагина иш вақти зое ўтмоқда. Пассажирларга хизмат қилиш маданияти паст. Жамоат транспортидан меҳнатсиз даромад воситаси сифатида фойдаланилаётганлигининг юзлаб мисоллари аниқланди. Ҳаракат хавфсизлигига риоя этишда катта камчиликлар бор. Ярим йил мобайнида мингга яқин шофер маст ҳолда машина бошқариб бораётган пайтда ушланди. Транспорт устидан контрол заифлиги, ошкораликнинг йўқлиги, область, шаҳар, район Советлари конкрет чора-тадбирлар кўрмаётганликлари мана шундай оқибатларга олиб келмоқда.

Темир йўл пассажирларига хизмат қилиш хусусида ҳам шикоятлар келиб турибди. Вагонлар эскириб кетган, улар тоза сақланмайди. Вокзал кассаларининг иши ёмон ташкил этилган. Поезд ва самолётларнинг жўнаш графиклари бузилмоқда. Андижон аэропортида пассажирларга хизмат кўрсатиш яхшиланмаяпти. Транспорт ходимларининг маиший шароитлари яхшиланишини таъминлаш — маҳаллий Советларнинг бурчи эканлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди.

Транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа доимий комиссияси Андижон область ижроия комитетига ва областдаги маҳаллий Советларга кўрсатилган камчиликларни тугатиш учун конкрет чоралар кўришни тавсия этди.

(ЎзТАГ).

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Владимир Александрович **Дурасов**ни СССР рангли металлургия министри этиб тайинлади.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Петр Фадеевич **Ломако** пенсияга чиққанлиги муносабати билан уни СССР рангли металлургия министри вазифасидан озод қилди.

## МУЗИКА ДАВРИМИЗГА ҲАМОҲАНГ БЎЛСИН

Ўзбекистон Композиторлар союзи правлениесининг 31 октябрь куни Тошкентда ўз ишини тамомлаган пленуми қатнашчилари, энг аввало, ёш музикачиларнинг профессионал маҳоратини ошириш масалаларини диққат марказига қўйдилар. Ёш ўринбосарларни тарбиялаш, композиторларнинг ижодий камол топиши билан боғлиқ кенг доирадаги масалалар муҳокама қилинди.

Бироқ деб таъкидланди пленумда ёш композиторлар билан олиб борилаётган ишлар, уларнинг ижодий савияси бугунги вазифаларга ҳали жавоб бермаяпти. Оммавий қўшиқлар кам яратилмоқда, ёш композиторлар профессионал театрлар билан суст ҳамкорлик қилиб, опера ва балет, драматик спектакллар учун асарлар яратмаяптилар. Улар ёзган куй ва қўшиқлар радио, телевидение орқали кам эшиттирилмоқда, дуруст нашр этилмаяпти.

Пленум иштирокчилари ёш музикачиларнинг республика меҳнаткашлари олдида ижодий ҳисоботларини, тематик ва бошқа профессионал конкурсларни мунтазам ўтказиб туриш зарурлигига эътиборни қаратдилар.

Пленум ишида қардош республикалардан келган композиторлар қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

## РАСМИЯТЧИЛИККА БАРҲАМ БЕРАЙЛИК

*(Қорақалпоғистон область партия активи йиғилишидан)*

Область партия активи йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми талаблари асосида идеология ишлари самарадорлигини ошириш юзасидан Қорақалпоғистон коммунистларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Докладчи область партия комитетининг биринчи секретари К. Саликов ва музокараларда қатнашган нотиқларнинг нутқларида идеология ишидаги хато ва нуқсонлар чуқур мисоллар асосида очиб ташланди ва таҳлил қилинди. Кейинги ўн йиллар давомида Автоном республикада қўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик, порахўрлик, давлат мулкини ўмариш каби салбий ҳолатлар илдиз отди. Ана шу жиддий нуқсонларни бартараф қилиш борасида область, шаҳар, район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари зарур иш олиб бормоқдалар. Шундай бўлса-да, салбий ҳолатлар ҳамон учраб турибди. Бундай яроқсиз иллатларга қарши курашда ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнатчи актив иштирок этиши лозим.

Ишни яхши ташкил қилиб, социалистик мусобақани авж олдираётган қатор саноат корхоналари белгиланган план ва топшириқларни ошириб бажармоқдалар. Автоном республика саноат корхоналари ўн ойлик реализация планларини 104,6 процентга адо этдилар. Аммо саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилашга эришилмаётир.

Қишлоқ меҳнаткашлари беш йилликнинг биринчи йилини муваффақиятли якунлаш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Кегайли, Қўнғирот, Шуманай районлари пахтакорлари йиллик пахта тайёрлаш планларини бажариб, социалистик мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширмоқдалар.

Социалистик мусобақани уюштириш, оммалаштириш, шунингдек маҳсулот сифатини яхшилашда кўп ишлар қилиниши керак. ҚҚАССР Маҳаллий саноат министрлиги (министр Ў. Сафарбоев), Уй-жой, коммунал-хўжалик министрлиги (министр М. Ерниёзов), «Каракалпакстройматериал» бирлашмаси (бошлиғи Т. Ерназаров) ҳалигача ўз ишларини янги услубда қайта қуриб бўлганлари йўқ. Оқибатда ана шу министрликларга қарашли бирлашмалар, корхоналардаги меҳнаткашларнинг ишчанлиги, ташаббускорлиги сезилмаяпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида область идеология ишидаги камчиликлар, нуқсонлар жиддий равишда танқид қилинди. Ҳақиқатан ҳам айрим министрликлар, корхоналар, идоралар ва бошқармалар ҳамда колхоз-совхозлардаги идеологик, оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларнинг ҳозирги аҳволи талаб даражасида эмас.

Музокарада қатнашган Нукус шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Асанов, Қўнғирот районидаги «Қўнғирот» совхозининг бригада бошлиғи, пропагандист Ў. Умаров, Нукус давлат университети ректори К. Мамбетов, Нукус шаҳридаги Гагарин номли ўрта мактаб директори Л. Сизранцева, Кегайли район марказий касалхонасининг бош врачи С. Сеитназаров, область касаба союзлари Совети раиси А. Тожибоев ва бошқалар идеология ишидаги расмиятчилик, юзакичилик, қоғозбозликлар халқ хўжалиги планларини бажаришга меҳнаткашларни сафарбар этишга тўсиқ бўлаётганлигини мисоллар билан кўрсатиб бердилар.

Сўнгги йилларда қатор шаҳар ва районларда идеология ишларининг сифат ва самарадорлиги пасайиб кетди. Масалан, Нукус районида аҳоли ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар номига олиб борилди. Натижада меҳнат интизоми бўшашиб кетди. Районда сабзавот, полиз маҳсулотлари ишлаб чиқариш план топшириқлари бажарилмаётир. Қорақалпоғистон область партия комитети бюроси ана шу масалани принципиал муҳокама қилиб, идеология ва ташкилотчилик ишларида жиддий камчиликларга йўл қўйгани учун Нукус район партия комитетининг икки секретарини ишдан бўшатди. Район партия комитетининг биринчи секретари И. Дўстчоновга қатъий партиявий жазо берилди.

Марксизм-ленинизм университети идеология кадрлари ва уларнинг резервларини тайёрлашда область партия комитетига системали равишда ёрдам кўрсатаётган бир пайтда Нукус шаҳар партия комитети университетнинг кечки бўлимлари тингловчилари машғулотларда қандай қатнашаётганлигини назорат қилмаётир. Оқибатда тингловчиларнинг давомати 40 процентдан ошмаяпти. Ишлаш шароити яхшиланганига қарамасдан область «Билим» жамияти ва унинг раиси Ж. Бозорбоев лекциялар, сиёсий докладларнинг мазмунли, қизиқарли бўлишини таъминламаяпти.

Илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, фан ютуқларини халқ хўжалигига жорий этиш ишлари талабга жавоб бермайди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали ва унга қарашли қатор илмий текшириш институтлари ва айрим олимларнинг кўп йиллар давомидаги тадқиқотлари самараси кўринмаяпти.

Матбуот, телевидение ва радиоэшиттиришда сийқаси чиққан метериалларга кенг ўрин берилаётганлиги ҳам рўй-рост танқид қилинди.

Маданий-оқартув муассасалари ишларидаги жиддий камчиликларга шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари эътибори жалб қилинди. ҚҚАССР Маданият министрлиги ва унинг жойлардаги бўлинмалари эскича иш услуби ва методларидан ҳамон воз кечолмаяптилар. Автоном республикада клуб муассасаларини қуриш, кенгайтириш талаб даражасида эмас. Нукус шаҳрида 6 та район марказида, 37 та колхоз ва совхоз қўрғонларида клуб муассасалари йўқ. Қорақалпоғистон АССР Маданият министрлиги системасидаги 200 та клубдан 95 таси клуб учун мослаштирилган бинодир. 93 тасида эса томошабинлар зали йўқ.

Стадионлар, спорт, заллари, отиш тирлари, спорт майдончалари қуриш ва уларни асбоб-ускуналар билан таъминлаш каби зарур ишлар эътибордан четда қолмоқда. Шу кунга келиб, 18 та маданий-спорт комплекси ташкил этилган бўлса ҳам, уларнинг ҳозирги аҳволи талаб даражасида эмас. Бўзатов, Тўхтакўпир, Ленинобод, Амударё, Беруний районларида клуб-спорт муассасалари ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Кўпгина қишлоқларда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи яхши эмас. Ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилишда партия ташкилотлари, овул Советлари ижроия комитетлари, хўжалик раҳбарлари амалий тадбирлар кўрмаяптилар. Айниқса Амударё районидаги аҳоли яшайдиган пунктларнинг маданий-маиший шароити ёмон. Айрим хўжаликларда ҳалигача ҳаммом, кутубхона ва бошқа маданий-маиший объектлар йўқ.

Мактаб ислоҳотини амалга оширишда ҳам қатор камчиликлар мавжуд. Шу кунга келиб, Автоном республика ўқувчилари учун базавий корхоналарда 6,5 минг ишчи ўрни ташкил қилинди. Бу юқори синф ўқувчиларининг атиги 10 процентини қамрайди. Оталиққа олган 300 та корхона ва ташкилотнинг ярмидан кўпроғи ишлаб чиқариш таълими учун биронта ишчи ўрни ажратиб бергани йўқ. Моддий-техника жиҳатдан оталик ёрдами кўрсатилмаяпти.

Идеология, кадрларини танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш ишларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Қорақалпоғистон область партия комитети ўн икки район партия комитети ходимларини аттестациядан ўтказди. Аттестация пайтида айниқса пропаганда ва агитация бўлимлари ходимларининг билими, тажрибаси, савияси шу кунги талаб даражасида эмаслиги аниқланди. Хусусан Беруний, Амударё, Қўнғирот, Нукус районлари партия комитетлари омма орасида сиёсий-тарбиявий ишларни олиб боришда эскича қолипда ишламоқдалар.

Қорақалпоғистон область партия активи йиғилишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. И. Огарок қатнашди ва нутқ сўзлади. Партия активи йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими М. Х. Холмуҳамедов қатнашди.

Партия активи йиғилиши муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилди.

**Р. ЕШИМБЕТОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

## *«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан*

### «САФАРБАРЛИК СЕЗИЛМАЯПТИ»

**САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ АГРОСАНОАТ КОМИТЕТИ**дан олинган жавобда қайд этилишича, газетанинг шу йил 20 август сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланди.

Танқидий мақола ва шу мақола юзасидан ўтказилган текшириш якунлари область агросаноат комитетининг коллегиясида атрофлича муҳокама қилинди. Унда район агросаноат бирлашмалари кенгашлари раислари, қолоқ хўжаликлар раҳбарлари иштирок этишди. Самарқанд, Пастдарғом, Жомбой ва Булунғур районларида ем-хашак тайёрлашни кучайтириш юзасидан зарур тадбирлар белгиланди. Мазкур район хўжаликларида белгиланган тадбирлар ўз самарасини кўрсатди. Натижада Пастдарғом, Жомбой ва Самарқанд районларида ем-хашак жамғариш планлари бажарилди.

### «ГАП КЎП, ХАШАК ОЗ»

Шундай сарлавҳа остида босилган (газетанинг 1986 йил 12 август сони) танқидий мақола юзасидан **ШОВОТ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ** йўллаган жавобда шундай дейилади:

— Мақолада район хўжаликларида ем-хашак тайёрлашда сусткашликка йўл қўйилганлиги тўғри танқид қилинган. Мақола район партия комитети бюро мажлисида муҳокама қилиниб, камчиликларни тугатиш бўйича аниқ тадбирлар белгиланди.

Район хўжаликларида ем-хашак тайёрлаш планининг бажарилиши ва унинг сифатини яхшилашда нуқсонларга йўл қўйган Чкалов номли, «Ленинград», «Ленинизм» колхозлари правлениелари раислари ва партия ташкилотлари секретарларига нисбатан қаттиқ партиявий жазолар кўрилди. [РЕДАКЦИЯДАН: негадир жавобда камчиликларга йўл қўйиб, жазо олган масъул раҳбарларнинг исм-фамилиялари кўрсатилмаган!]

Ем-хашак тайёрлашдаги сусткашликка барҳам берилди. Шу кунларда район партия комитетининг диққат-эътибори чорва қишловига пухта тайёргарлик кўришга, қишлов даврида ҳам чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва давлатга харид қилиш ҳажмини оширишга қаратилмоқда.

### «ЕСА ҚИЁҚ, ЕМАСА ТАЁҚ»

Газетанинг шу йил 7 сентябрь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақола юзасидан **ГАГАРИН РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ**дан олинган жавобда таъкидланишича, танқидий мақолада баён қилинган фактлар тасдиқланди.

Мақола район партия комитети бюросида кўриб чиқилиб, ем-хашак тайёрлаш ишларини етарли даражада ташкил қилмаганликлари, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмаганликлари ва 1985 йилга нисбатан ем-хашак жамғаришни камайтириб юборганликлари учун «Искра» совхозининг директори П. Худоёровга вговор берилди, «Шоликор» совхозининг директори Х. Жумаев огоҳлантирилди.

«Правда» совхози директори Т. Хушбоқовга, А. Икромов номли совхоз директори Н. Ҳафизовга ва район агросаноат бирлашмаси кенгаши раисининг чорвачилик бўйича ўринбосари А. Болтаевга ем-хашак, чорвачилик маҳсулотларини тайёрлашда, оралиқ экинлар планларининг бажарилишида йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Мақола барча совхоз партия ташкилотларида ва чорва фермаларида муҳокама қилинди.

